

ПЕДАГОГИК МАСЪУЛИЯТ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРДА КАСБИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК СИФАТЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ

Абдуллаева Насибахон Жўраевна

Андижон Давлат Педагогика институти

Педагогика ва психология кафедраси профессори

Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак педагогларни педагогик масъулият орқали касбий жозибаторлик сифатларини таркиб топтириш, ривожлантириш ва касбий масъулиятларини ошириш юзасидан маълумот ва кўрсатмалар берилган.

Таянч сўзлар: Масъулият, бурч, касбий сифатлар, касбий этика, масъулиятли мутахассис, педагог кадрлар, касбий жозибатор, педагогик қобилиятлар.

ФОРМИРОВАНИЕ КАЧЕСТВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ У СТУДЕНТОВ ЧЕРЕЗ ПЕДАГОГИЧЕСКУЮ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ

Абдуллаева Насибахон Джораевна

Андижанский государственный педагогический институт

Профессор кафедры педагогики и психологии

Аннотация: В данной статье даются сведения и указания по формированию, развитию и профессиональной ответственности будущих педагогов через педагогическую ответственность.

Ключевые слова: Ответственность, долг, профессиональные качества, профессиональная этика, ответственное поведение, педагогический коллектив, профессиональная привлекательность, педагогическое мастерство.

Formation of qualities of professional attractiveness in students through pedagogical responsibility

Abdullaeva Nasibakhan Dzhoraevna

Andijan State Pedagogical Institute

Professor of the Department of Pedagogy and Psychology

Annotation: In this article, information and instructions are provided on the formation, development and professional responsibilities of future pedagogues through pedagogical responsibility.

Key words: Responsibility, duty, professional qualities, professional ethics, responsible behavior, pedagogical staff, professional attractiveness, pedagogical skills.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга оид қатор ҳужжатларида ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузини юксалтиришга оид қатор вазифалар белгиланди. Замонавий ўқитувчига берилаётган эътибор ҳамда имтиёзлар, яратилаётган шарт-шароитлар шуни талаб қиладики, ўқитувчилар ўз касбий билимлари ва ўз ишига масъулият даражасини доим ошириб бориши керак[45].

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси унда фаолият юритаётган ўқитувчи кадрларнинг билим ва компетенцияларига боғлиқ. Бу эса бўлажак ўқитувчиларнинг юксак маҳоратли ва касбий билими юқори бўлишини таъминлайди. Чунончи, ёшлар таълим-тарбияси олдида жавобгарликни ҳис этадиган даражада бўлиш долзарб вазифа бўлиб келган. Зеро таълим беришнинг замонавий инновацион технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш асосида тарихий кадриятлар ва миллий ғурурни ёшлар онгига янада мукамалроқ сингдириш ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, барча соҳаларда бўлгани каби, ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ҳам йиллар давомида ривожланиб ва такомиллашиб боради. Маълумки, педагогнинг касбий маҳорати, амалий тажрибасининг ривожланиши талабалик йилларида шаклланиб боради. Бу маҳорат сирларининг назарий жиҳати илдизлари талабага ўз вақтида ўргатилмас экан, уни олий таълим муассасасидан кейинги иш фаолиятида ўзини намоён қилиши қийин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [5] ПФ-5538-сон Фармонида ўқитувчилик касбининг жозибадорлигини ошириш, умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг тизимли равишда ўз устида ишлаши, педагогик касбий маҳоратини ошириб боришига кўмаклашиш ишлари директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши ҳақидаги фикрлар илгари сурилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида олий таълимда долзарб муаммоларнинг тизимли ва изчил ҳал этишнинг муҳим вазифаларини аниқлаш, инсонийлик фазилатлари устувор бўлган, эркин мушоҳада юрита оладиган маҳоратли мутахассисларни тайёрлашнинг


сифатини юқори даражага кўтариш, олий таълимда янги ислохатларни амалга ошириш, фаннинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳалардаривожлантириш мақсадида олий таълимнинг инвестициявий жозибаторлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш масалалари илгари сурилган.

Мазкур вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида педагог кадрлар тайёрлашда ижобий ўзгаришлар ва натижаларга эришиш учун самарали фаолият олиб бориш ва белгиланган вазифаларга виждонан ёндашишни тақозо этмоқда.

Бўлажак ўқитувчи етук ва баркамол бўлиши, замон талабларига мос, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ўзлаштирган, миллий ва маънавий кадриятларимизни кадрлайдиган ва ундан таълим тизимида мақсадли фойдалана оладиган ўқитувчидан эндиликда талабларга мос равишда янгича методика ва янгича ёндашув талаб қилинади. Мана шу юқорида санаб ўтилган барча жиҳатлар умумлашган ҳолда ўқитувчи касби жозибаторлиги ва таъсирчанлигини оширади. Педагог мукамал билим эгаси бўлса, албатта, таълим жозибатор бўлади. Педагогик жараённинг жозибаторлиги ўз навбатида унинг иштирокчилари фаолиятини тизимли, мақсадли ҳамда самарали кечишини таъминлашга хизмат қилади[167].

Ўқитувчи моҳир бўлиши учун ўз ақлий салоҳиятидан юқори савияда фойдаланиши, таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда ўзидаги бор билимни намоён қилиши ва ўз устида ишлай олиши лозим. Бу турлича йўллар орқали амалга оширилади. Шу билан бирга, бўлажак ўқитувчи маҳоратини намоён қилиб берувчи, энг асосий жиҳат – муомала маданиятига эгаллик педагогнинг касбий жозибаторлигини ошиши ва шахсий сифатларини такомиллашиб боришда катта аҳамият касб этади[4].

Педагогнинг касбий самарадорлиги ва маҳорат эгаси бўлиши учун зарур қуйидаги муҳим жиҳатлар мавжуд[172]



Педагогнинг касбий самарадорлиги ва маҳорат эгаси бўлишида муҳим жиҳатлар.

Маълумки, педагогика олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлайди. Бугунги кун мутахассисида мавжуд бўлиши талаб этиладиган касбий сифатларнинг муҳим тўпламини талаба педагогик жараёнда эгаллаши лозим. Касбий тайёргарлик мобайнида барча зарур хусусиятлар таълим тизимидаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Улар янги тажриба ҳамда замонавий билимларга асосланиб, ўзидаги бор имконият ва маҳоратини сафарбар этади. Бунинг натижасида мақсадга эришиш жараёни жонланади ва талабанинг касбий самарадорлик фаолияти ривожланади. Шу тариқа касбий мукаммаллашиб бориб, зиммасидаги мажбуриятни бажариш бўлган масъулиятини туя билади.

Шу билан бирга бўлажак педагог ақлий етукликка эришиши, ахлоқий меъёрларга қўйилган талабларга фаолиятини мослаши ва ижод қирраларини эгаллаши шартдир. Давр ижодкор ўқитувчига муҳтож. У таълим жараёнига

янгича ёндашади, замонавий технологияларни жараёнда фаол қўллай олади. Буларнинг ҳаммаси бўлажак ўқитувчининг келажакка бўлган ишончни кучайтириб, эртанги кун истиқболга эришиш мақсади сари илдамлашларида кучли мотивация бера олади[131].

Бўлажак ўқитувчининг юқори даражада масъулиятни хис қилиши унинг касбига бўлган эътибори, жавобгарлиги, онгли муносабатини ижобий тарбиялайди. Бу орқали талабалар касбий етуклик сари йўналтириб борилади. Бўлажак ўқитувчи ижодкорлик, қобилиятлилик, илғор тажрибаларга таяниш, новаторлик, ташқи қиёфа ва кийиниш маданияти каби хусусиятларни эгаллаш учун ҳаракат қилади ва натижада педагогик маҳорати такомиллашиб боради.

Демак, касбий жозибадорлик бўлажак ўқитувчилар учун муҳим хусусиятлардан бири бўлиб, унинг таълим жараёнига ижодий ёндашиши, янги методларни мақсадли қўллай олишида намоён бўлади. Бўлажак ўқитувчи масъулият билан педагогик жараёнга киришса, масъулият билан мутахассислик сирларини эгалласа, касбий жозибадорлиги ортади[128]. Бу ўз навбатида таълимни жозибадор бўлишида катта аҳамият касб этади. “Жозибадор” сўзини бежиз қўлламадик, диққатни кўпроқ тортиш ва қизиқарли объектни ифода этадиган тушунча сифатида мутахассиснинг жозибадор бўлиши ва таълимни жозибадор ташкил этиши, бу таълим олувчини тез ўзига қарата олиши, маълумотларни етказиб беришида таъсирчанлигини ошириш учун қулай бўлади. Бизнингча, касбий жозибадорлик педагог учун зарур бўлган сифатлардан саналиб, унинг самарадорлигига эришиш педагогик қобилиятлар устида тизимли ва узлуксиз ишлашга боғлиқ.

Ушбу қобилиятлар қуйидагича гуруҳларга ажратилади:

- коммуникативлик – шахслараро муносабатларда хайрихоҳлик, муомала маданиятига эгалик, бошқа одамлар билан бўладиган муносабатларда мулоқотнинг максимал имкониятларидан фойдалана оладиган ва шу билан

бирга ўқитувчилик фаолиятида кечадиган барча жараёнларда ўзаро алоқа ўрнатиш учун намоён бўладиган қобилият;

- перцептив қобилият – идрок этиш, объектни англаш ва хотирада мавжуд бўлган образлар билан таққослаш, қиёслаш;

- дидактик қобилият – таълим жараёнини мақсадга мувофиқ амалга ошириш;

- эмпатик қобилият – ўзгалар руҳий ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилишдир, ўзгалар ҳолатини хис қилиш;

- конструктив қобилият – ўқитувчининг ўз фаолиятини тўғри лойиҳалай олиши;

- ташкилотчилик қобилияти – ўқувчилар жамоасида яқдилликни таъминлаш, етакчи бўлиш;

- педагогинг касбий фаолиятга юқори савияда тайёрлиги;

- методларни ўринли қўллаш лаёқати;

- педагоги жараёни мақсадли бошқариш;

- доимо ўз устида ишаш кўникмасига эгалик;

- фикрларни мустақил баён қилиш.

Бундай педагогик қобилиятлар талабада туғма ҳолатда ёки шунчаки пайдо бўлмайди, балки улар тизимли меҳнат қилиш, тинимсиз изланишлар, ўзини ўзи ривожлантириб бориши натижасида эришилади. Қобилиятни шакллантириш педагогик жараёнда олиб бориладиган маъруза, семинар ва лаборатория машғулотида амалга оширилиши лозим. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда уларга таълим бераётган ўқитувчилар ҳам серқирра қобилият эгаси бўлиши ва педагогик масъулияти юқори бўлиши катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизмини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлари. 1- қисм. Тошкент, 1998 йил.

2. Қўқон Давлат педагогика институтида педагогик амалиётни ўтказиш хақида йўриқнома. Қўқон, 2003 йил.

3. Ашуров Р.А., Зуфарова М.Э. ва бошқ. Педагогик амалиёт бўйича талабаларга методик-амалий ёрдам. Фарғона нашриёти, 1993 йил.

4. Шобекова М., Тўрақулова Ф., Исохонова М.. Педагогик амалиёт даврида психологиядан бериладиган топшириқлар. Қўқон, 2004 йил.

5. Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогик амалиётни ташкил этиш методикаси. Тошкент, 2003 йил.

6. Ашуров Р., Исмоилова Д., Тўрақулова Ф., Юсупова М., Усмонова М. Педагогик амалиёт (ўқув-услугий қўлланма). –Т.: Фан ва технология, 2005йил.